



## **Ўзбекистон Республикаси Сirdaryo viloyati Hokimi**

### **Q A R O R**

2017 yil "09" avgust

№ 379

Guliston sh.

**Вилоят ҳокими, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг функционал вазифалари тақсимотини, уларнинг котибияти ва гуруҳлари тўғрисидаги ва вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги низомларни ҳамда шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб, қарор қиламан:

**1. Қуйидагилар:**

вилоят ҳокими, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг функционал вазифалари тақсимооти 1-иловага мувофиқ;

вилоят ҳокими, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг котибияти ва гуруҳлари тўғрисидаги низомлар 2-иловага мувофиқ;

вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низом 4-иловага мувофиқ;

туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда:**

а) ушбу қарор билан тасдиқланган функционал вазифалар тақсимооти ва низомлар асосида:

шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларининг функционал вазифаларини;

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги низомларни;

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни;

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари ходимларининг функционал вазифаларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

б) ўзлари қабул қилган қарорларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига функционал вазифалар тақсимоти ва низомлар талаблари оғишмай бажарилиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши ва бошқарув аппаратларининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қароридан келиб чиқувчи вазифаларни юқори профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган малакали кадрлар билан ўз вақтида тўлдирилиши юзасидан шахсий масъулият юклатилсин.

4. Вилоят ҳокимининг:

2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 151-сонли;

2016 йил 18 майдаги “Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ва вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг функционал вазифалари тақсимотини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари ва вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ғ. Мирзаев